

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2022 йил апрель ойининг 29-куни, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи М.Марахимов, Х.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, тарафлардан Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Қобилжонов, судланувчи У.Мирзакаримов ва Р.Бекиров, уларнинг ҳимоячиси М.Азимов, жабрланувчи Н.Джўрабоев ҳамда фуқаровий даъвогар Е.Турсунованинг иштирокида, Мирзакаримов Умиджон Абдумаликович ва Бекиров Рустем Энверовичга оид 1-1513-2202/228-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Мирзакаримов Умиджон Абдумаликович, 1978 йил 26 апрелда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласиз, мукаддам;

1) Марғилон шаҳар судининг 1993 йил 28 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 125-моддаси 3-қисми ва 144-моддаси 3-қисми билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, 1995 йил 3 майдаги амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;

2) Марғилон шаҳар судининг 1996 йил 11 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в,г” бандлари билан 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

3) жиноят ишлари бўйича Охангарон туман судининг 2001 йил 13 ноябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 222-моддаси 1-қисми билан 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

4) жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2004 йил 7 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 4 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

5) жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг 2006 йил 25 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,166-моддаси 2-қисми “в” банди билан 3 йил 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

6) жиноят ишлари бўйича Ёзёвон туман судининг 2010 йил 19 августдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 60,61-моддалари тартибида 5 йил 10 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган;

7) жиноят ишлари бўйича Қува туман судининг 2020 йил 27 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 226-моддаси 1-қисми билан 2 йил озодликни чеклаш жазосига



судланиб, жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг 2021 йил 7 октябрдаги ажримига кўра, ўталмай қолган 8 ой 29 кун жазоси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси тартибида шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган, жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар судининг 2022 йил 19 январдаги ажримига кўра, ўталмаган 5 ой 17 кун жазодан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар, “Тулистон” маҳалла фуқаролар йиғини, Б.Марғилоний кўчаси, 8-уй, 15-хонадонда яшайди, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Бекиров Рустем Энверович (Bekirov Rustem Enverovich), 1975 йил 15 августда Фарғона вилояти, Марғилон шаҳрида туғилган, татар, ўзбек тилини мукамал билади, таржимон хизматига мухтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оиласидан ажрашган, ишсиз, муқаддам судланмаган, Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, “Зухро” м.ф.й., Зухро кўчаси, 17-уй, 2-хонадонда яшайди, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз муддатида олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

#### А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Мирзакаримов Умиджон Абдумаликович хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, ўзгани мулкани яширин равишда талон-торож қилиш ҳақида жиноий шериги Бекиров Рустем Энверович билан олдиндан жиноий тил бириктириб, 2022 йил 6 март кунидан 2022 йил 11 март кунига қадар бўлган вақт оралиғида тунги вақтларда, Марғилон шаҳар, Киргули маҳалла фуқаролар йиғини, У.Носир кўчаси, 10-уй олдида қаровсиз ҳолда турган ва фуқаро Джўрабоев Носиржон Эгамбердиевичга тегишли бўлган жами нархи 3.000.000 сўмлик 60 метр арматураларни яширин равишда талон-торож қилишиб, ушбу арматураларни ўғирланганлигини айтмасдан, Турсунова Елена Каримовнага бир қисмини ва қолган қисмини шахсини



аниқлашни имкони бўлмаган шахсларга сотиб юборишиб, Н.Джўрабоевга 3.000.000 сўм моддий зарар етказишган.

Олиб борилган тергов ҳаракатлари давомида Е.Турсуновадан 27 метр арматуралар ашёвий далил тариқасида олинган.

Судланувчи У.Мирзакаримов суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам 2022 йил 6 март куни тунги соат 02ларда, таниши Р.Бекиров уни уйини чақириб, унга Марғилон шаҳар, У.Носир кўчасидаги қурилиш бўлаётган объект олдида қаровсиз ҳолда арматуралар тургани, ушбу арматураларни кўтариб олиб келишда ёрдам беришни сўрагани, кейин Р.Бекиров айтган жойга бориб, турган арматуралар ичидан бир дона 12 метрлик арматурани кўтаришиб, танишлари Турсунова Еленага иш ҳақлари эвазига беришганини айтишиб, 50.000 сўмга сотиб юборишгани, 2022 йил 11 март куни ҳам тонгга яқин Р.Бекиров билан арматуралар турган жойга боришиб, ундан икки донасини кўтаришиб, Е.Турсуновани уйига олиб келишиб, яна 50.000 сўмга сотиб юборишгани, арматураларни сотишдан тушган пулларга Р.Бекиров иккалалари спиртли ичимлик сотиб олишиб, истеъмол қилишгани, ҳозирда қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарларни тўлиқ қопланганини билдириб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчи Р.Бекиров суд мажлисида, ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлиб, ҳақиқатан ҳам 2022 йил 6 март куни тунги соат 02ларда, таниши У.Мирзакаримов билан маст ҳолда Марғилон шаҳар, У.Носир кўчасидаги юришган вақтида, қурилиш бўлаётган объект олдида қаровсиз ҳолда арматуралар турганини кўришгани, кейин У.Мирзакаримов билан бир дона 12 метрлик арматурани ўғирлашиб, танишлари Турсунова Еленага иш жойидан ойлик сифатида беришганини айтишиб, 50.000 сўмга сотиб юборишгани, ушбу пулларга спиртли ичимлик сотиб олишиб, истеъмол қилишгани, 2022 йил 11 март куни ҳам тонгга яқин У.Мирзакаримов билан арматуралар турган жойга боришиб, ундан икки донасини кўтаришиб, Е.Турсуновани уйига олиб келишиб, яна 50.000 сўмга сотиб юборишгани, арматураларни сотишдан тушган пулларга спиртли ичимлик сотиб олишиб, У.Мирзакаримов билан бирга истеъмол қилишгани, ҳозирда қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганини билдириб, суддан енгиллик берилишини сўради.

Судланувчилар У.Мирзакаримов ва Р.Бекиров ўзларига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрор бўлишсада, уларнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби, суд мажлисида текширилган ва жиноят ишида мавжуд қўйидаги далиллар билан тасдиқланади, жумладан :

- жабрланувчи Н.Джўрабоевнинг суддаги, Марғилон шаҳар, Киргули маҳалла фуқаролар йиғини, У.Носир кўчаси, 10-уйда қурилиш ишларини олиб бораётгани сабабли қурилишда ишлатиш учун 34.000.000 сўмлик арматураларни сотиб олиб, уй олдидаги кўчага тўкиб қўйгани, ушбу арматураларни ўғирланишини олдини олиш мақсадида, уй олдида камера ўрнатиб қўйгани, уй олдида турган арматураларни сони камайиб қолгани



сабабли камерадаги ёзувларни қайтариб кўрганида, 2022 йил 11 март куни тонга яқин икки нафар шахсларни арматураларни ўғирлаб кўтариб кетганини кўргани, шундан сўнг ИИБга ариза бергани, барча арматураларни қайта текшириб чиққанида, жами 60 метр арматура ўғирланганини билгани, тергов даврида ушбу ўғриликни Р.Бекиров ва У.Мирзакаримов содир этгани аниқлангани, хозирда унга етказилган зарар қоплангани, судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги, уларга енгиллик беришни сўраши ҳақидаги;

- фуқаровий даъвогар Е.Турсунованинг терговдаги, 2022 йил 7 март куни эрталаб уйига танишлари У.Мирзакаримов ва Р.Бекиров келгани, улар хохирда қурилишда ишлаётгани ва хизмат ҳақида арматура беришгани, хозирда уларга пул зарурлиги сабабли ушбу арматураларни сотишини айтишгани, кейин улар олиб келган 12 метр арматурани келишган ҳолда 50.000 сўмга сотиб олгани, орадан икки кун ўтиб улар яна арматураларни кўтариб келишгани, ушбу арматураларни ҳам келишган ҳолда улардан 50.000 сўм эвазига сотиб олгани, орадан бир неча кун ўтганидан кейин уйларида ИИБ ходимлари келишиб, унга У.Мирзакаримов ва Р.Бекировдан ўғирланган арматураларни сотиб олганини айтишиб, уни уйида турган 27 метр арматураларни ашёвий далил тариқасида олишгани ҳақидаги кўрсатуви;

- шунингдек, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.5-11), далилий ашёни олиш тўғрисида баённома (и.в.19-22) ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи У.Мирзакаримовнинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, жиноий шериги Р.Бекиров билан олдиндан жиноий тил бириктириб, жабрланувчи Н.Джўрабоевнинг нархи 3.000.000 сўмлик арматураларини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ҳамда Р.Бекировнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятни хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи У.Мирзакаримовга жазо тайинлашда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида оғир, шахсий, оилавий шароитлар оқибатида жиноят содир этгани деб ҳисоблайди ва Жиноят кодекси 56-моддасида кўрсатилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида илгари ҳам қасддан жиноят содир



этганидан сўнг қасддан янги жиноят содир этгани ва ғаразли ва бошқа паст ниятларда жиноят содир этгани деб ҳисоблаб, унга нисбатан у содир этган жиноят учун жазо санкцияси доирасида озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашни, шунингдек ушбу жиноятни жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар судининг 2022 йил 19 январдаги ажримига кўра, ўталмаган 5 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан шартли равишда озод қилинган даврда содир этганини инобатга олиб, мазкур ажримни бекор қилишни ва янги ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиб, жазо тайинлашликни лозим топади.

Суд, судланувчи Р.Бекировга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, Жиноят кодекси 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни йўқ деб ҳисоблайди ҳамда қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, унга нисбатан у содир этган жиноят учун жазо санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Мирзакаримов Умиджон Абдумаликович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Мирзакаримов Умиджон Абдумаликовичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан 5 (беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жиноят ишлари бўйича Охангарон шаҳар судининг 2022 йил 19 январдаги У.Мирзакаримовни ўталмай қолган 5 ой 17 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “а” бандига асосан шартли равишда озод қилиш ҳақидаги ажрими бекор қилинсин.

У.Мирзакаримовга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасига асосан илгариги ҳукм юзасидан ўталмаган жазога янги ҳукм билан тайинланган жазони ЖКнинг 61-моддаси тартибида қисман қўшиб, узил кесил 5 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо қаттиқ тартибли колонияларда ўтатирилсин.

Жазо ўташ муддати 2022 йил 16 март кунидан бошлаб ҳисоблансин.

У.Мирзакаримовга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Судланувчи Бекиров Рустем Энверович (Bekirov Rustem Enverovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Бекиров Рустем Энверовичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромади



ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 62-моддасига асосан Р.Бекировни 2022 йил 16 март кунидан 2022 йил 29 апрель кунига қадар дастлабки қамоқда ўтирган 43 кунни ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосини уч кунига тенглаштириб, тайинланган жазодан чегириб ташлансин ва ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизи давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 7 ой 21 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо, уни ижросини назорат этувчи Марғилон шаҳар ИИБ томонидан белгилаб берилган жойларда ўтатирилсин.

Жазо ўташ муддати судланувчи жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Марғилон шаҳар ИИБ Пробация бўлимига юклатилсин.

Р.Бекировга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залида қамоқдан озод қилинсин.

Жабрланувчига етказилган зарар қоплангани инобатга олинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида эътироф этилган 27 метр арматуралар жабрланувчи Н.Джўрабоевга тергов органи томонидан қайтарилгани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдириш ҳуқуқига эга.

Раислик қилувчи

М.Марахимов

